

# ФАРГОНАДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Бугун Фарғона шаҳридаги Ислом Каримов номидаги театр-концерт саройида Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан тантанали вилоят байрам тадбiri бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят секторлари раҳбарлари, вилоятимизнинг барча ҳудудларидан тиббиёт ходимлари, соғлиқни сақлаш соҳаси раҳбарлари ва масъул ходимлари, фахрийлар иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларига йўллаган табригини ўқиб эшилтирди.

Беморлар дардига шифо бўлиш, халқимиз саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилишдек шарафли йўлда ўзларини аямасдан фидокорона меҳнат қилаётган соҳа ходимларини касб байрамлари билан қутлаган вилоят ҳокими, сўнгги йилларда вилоятимизда бу соҳанинг жадал ривожланиб бораётгани, эришилаётган натижалар ва янги марралар ҳақида тўхталиб ўтди.

Хусусан, 30 дан ортиқ юқори технологик операция турлари амалиётга тадбиқ этилиши натижасида ўтган 10 ой давомида 3600 дан ортиқ фуқароларга юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатишга эришилганини мамнуният билан қайд этган вилоят раҳбари, давлат тиббиёт муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт ҳам жадал ривожланиб бораётганини, жорий йилнинг ўзида 48 та янги хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилганини маълум қилди.

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан куни кеча эълон қилинган Президент Фармонига кўра, давлатимизнинг юксак орден ва медаллари билан мукофотланган уч нафар вилоятимиз тиббиёт соҳасига вакилларига мукофотлар тантанали тарзда топширилди.

Тадбирда вилоят ижтимоий ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан вилоятимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишга, соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг жорий этишга ва тиббий маданиятни оширишга салмоқли ҳисса қўшиб келаётган тиббиёт соҳаси ходимларининг катта гуруҳи вилоят ҳокимининг Фахрий ёслифи, ташаккурномаси ва совғалари билан тақдирландилар. Ўз ҳаётини инсоннинг соғлиғи ва ҳаёти тўғрисида ғамхўрлик қилишга бағишилаган тиббиёт ходимларидан яна бир гуруҳи “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Бугунги тадбир давомида шунингдек вилоятдаги барча шаҳар ва туманлар Тез тиббий ёрдам бригадаларига янги Caddy Volkswagen замонавий автотранспорт воситалари топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-11-11 23:08:05